# Амалиётда - 5 та муҳим ташаббус

Гидромелиоратив ишларни механизациялаш ва Гидротехника қурилиши факультетлари 3-босқич талабалари ишлаб чиқариш амалиётида бўш вақтларини мазмунли ва қизғин ўтказмоқдалар. 5 та муҳим ташаббус асосида, икки факультет амалиёт ўқитувчилари раҳбарлигида ФУТБОЛ ҳамда ШАХМАТ мусобақалари ташкил этилди. ФУТБОЛ мусобақаси факультетлар жамоалари учрашуви билан бошланиб, сўнгра факультетлар жамоалари етакчи тўпсурар ўйинчиларидан тузилган терма жамоамиз Оқолтин тумани 1-умумий ўрта таьлим мактаби ўқитувчилари жамоаси учрашуви билан давом эттирилди. Дастлабки учрашувда ГИМ факультети жамоаси ғалаба қозонган бўлса, мезбонлар билан бўлган учрашувда эса терма жамоамиз ғалабаси билан якунланди.

Ташаббуснинг 2-босқичи ақлни чархлаш,  ШАХМАТ ўйини билан давом эттирилди. Бу борада ҳам хар икки факультет шахматчилари етарлича тафаккур сохиблари эканликларини яна бир бор исбот этишди, мусобақа сўнгида СЭ ва НСФ кафедраси ассистенти М.Бердиев томонидан талабаларга мастер класс ўтказилди. Амалиёт давом этмоқда…

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**